

ОАК Раёсатининг 2018 йил 6 январдаги
248/2-сон қарори билан тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси коллегиал органлари очик
мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши
ТАРТИБИ**

1. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) очик коллегиал органлари мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби» Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни ва бошқа тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур тартиб ОАК Раёсати, ОАК Тартиб-қоида комиссияси ва Апелляция комиссиясининг очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштирокини таъминлаш тартибини белгилайди.

3. Мурожаат тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб ва муддатларга мувофиқ ҳолда ОАК томонидан кўриб чиқилади.

ОАК ўрнатилган тартибда ахборотдан фойдаланувчиларга ёзма равишда тегишли маълумотларни, жумладан ахборотдан фойдаланувчиларни мажлисга таклиф қилиш тўғрисида маълумот беради.

4. ОАК Раёсати, ОАК Тартиб-қоида комиссияси ва Апелляция комиссиясининг очик мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштирокини таъминлаш ОАК фаолияти бўйича фойдаланилиши чеклаб кўйилган ахборотларга кўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда ташкил этилади.

5. ОАК очик коллегиал органлари мажлисларини ташкил қилишда уларнинг қарори билан ОАК тегишли ходимлари масъул этиб тасдиқланади. Масъул ходимлар ахборот фойдаланувчиларининг очик мажлисларда иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни ўрнатилган тартибда ташкил этади.